



ASR

IJTIMOIIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

e-mail: xxi_asr@umail.uz

2019-YIL 18-IYUL, PAYSHANBA, 28 (818)-SON

web sayt: www.21asr.uz

Хукуматлараро комиссия мажлиси

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 17 июль кунини Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Афғонистон ҳукуматлараро комиссия мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо-саноат, сармоя, энергетика, нефть-газ, боғжона, транспорт ва транспорт коммуникациялари, темир йўл, авиаташув, машинасозлик, электр техникаси, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, фармацевтика соҳаларида фаолият кўрсатаётган вазирлик ва идоралари, компаниялар, ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди.

Комиссия ҳамраислари – Ўзбекистон Республикаси Бош вазири маслаҳатчиси, "Ўзагротехсаноатхолдинги" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Нодир Отажонов ва Афғонистон Иқтисод Республикаси Президентининг катта маслаҳатчиси, молия вазири Муҳаммад Хумоюн Қаноий мамлакатларимиз ўртасидаги савдо, иқтисодиёт, транспорт ва энергетика, таълим соҳаларидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон бугунги кунда Афғонистондаги қурилиш, энергетика, тоғ-кон саноати ва таълим соҳаларидаги лойиҳаларда иштирок этиб келмоқда. Мамлакатимизнинг ёрдами билан Афғонистонда кўприклар, юқори вольтли электр линиялари, оптик-тонали кабель линиялари, сув таъминоти тармоғи барпо этилди. Хайратондан Мозори-Шарифгача темир йўл линияси қурилди. "Сурхон – Пули – Хумри" электр узатиш линиясининг қурилиши бўйича келишувлар икки мамлакат ўртасида энергетика соҳасидаги ҳамкорликда янги саҳифа очди. Навбатдаги кўшма лойиҳа Мозори-Шариф – Шибиргон – Маймана – Ҳирот темир йўлини биргаликда барпо этишдир.

Мамлакатимиздан Афғонистонга электр энергияси, мева-сабзавотлар, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар экспорт қилинмоқда. Ўзбекистонда афғонистонлик сармоядорлар иштирокида тузилган қатор корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Улар савдо, хизмат кўрсатиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш

каби соҳаларда иш юритмоқда.

Афғонистон Иқтисод Республикаси Президентининг катта маслаҳатчиси, комиссия ҳамраиси Муҳаммад Хумоюн Қаноий иқтисодиётнинг турли соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича фойдаланилмаган имкониятлар кўп эканини таъкидлади. Савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш учун амалий чора-тадбирлар қўрилиб, темир йўл, транзит ва бошқа тўловлар тариф нархларининг туширилаётгани ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини сезиларли ошириш учун янада қулай шароит яратаятгани қайд этилди.

– Ўзбекистонда иқтисодиётни диверсификациялаш ва саноатни модернизациялашга йўналтирилган кенг қўламли ислохотлар эътиборга молик, – деди Муҳаммад Хумоюн Қаноий. – Комиссия мажлиси икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш, истиқболли кўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалаларини муҳокама этиш учун қулай имконият бўлди. Ўзбекистон билан савдо, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва коммуникациялар каби соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантиришдан манфаатдоримиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Афғонистонга яқинда амалга оширган ташрифи чоғида қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш, Афғонистонда етиштирилаётган пахта хомашёсини сертификатлаш, ўсимликларни химоя қилиш бўйича кадрларни тайёрлаш, пестицидларни етказиб бериш, қишлоқ хўжалигини механизациялашга ёрдам кўрсатиш ва тажриба алмашишларни ташкил этишга доир келишувларга эришилган эди.

Мажлисида олий даражадаги учрашувлар, шунингдек, турли мақомдаги делегацияларнинг ўзаро ташрифлари чоғида эришилган келишувларни самарали рўйбга чиқариш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш, кенг қўламли савдо-иқтисодий, транспорт ва энергетика соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Афғонистон делегацияси Ўзбекистондаги янги иқтисодий сиёсат самараси, мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб қилиш учун яратилаётган шароит, юртимизнинг экспорт салоҳияти, индустриал зоналардаги имкониятлар билан таништирилди. Ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш лозимлиги таъкидланди.

Мажлисида ўзаро савдо ҳажмини янада ошириш масалалари ҳақида сўз юритилди. Энергетика, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги, тоғ-кон саноати, металлургия, машинасозлик, таълим ва бошқа қатор соҳаларда ўзаро манфаатли кўшма лойиҳаларни амалга ошириш, Афғонистонга электр, машиини, қишлоқ хўжалиги техникаси ва ускуналарини экспорт қилиш, биргаликда ўзаро фойдали лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги истиқболли вазифалар қўриб чиқилди.

Афғонистон делегациясининг мамлакатимизга ташрифи доирасида Ўзбекистон – Афғонистон давлат ва хусусий секторлари вакиллари мулоқотининг иккинчи давраси, кўшма бизнес-форум ва ихтисослаштирилган кўргазма ҳам бўлиб ўтди. Ушбу тадбирларда Афғонистон расмий ва бизнес доираларининг юздан ортиқ вакиллари иштирок этди.

Хусусан, «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуасида ташкил этилган кўргазма саноатнинг турли тармоқларида, шунингдек, тиббиёт, фармацевтика соҳаларида ўзаро манфаатли келишувларга эришиш имконини берди. У мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган юқори сифатли маҳсулотларини Афғонистон бозорига етказиб бериш, ҳамкор мамлакат иқтисодиётини тиклашга қаратилган кўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш масалаларини муҳокама қилиш учун ҳам қулай платформа вазифасини ўтади.

Афғонистон делегацияси аъзолари шу кунини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида, турли вазирлик ва идораларда ташкил этилган музокараларда иштирок этди.

Улуғбек ШОНАЗАРОВ,
ЎЗА муҳбири



Мунозара, муҳокама

Кўшма йиғилиш: Бугун уйғонмасак, эртага кеч бўлади

Одатдагидан бошқача. Олдингилардан ўзгача. Аввалгиларга ўхшамаган. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган кўшма мажлисидаги баҳс-мунозараларни кузатган "тўртинчи ҳокимият" вакиллари ўша мажлисда ана шундай таърифларни ишлатганига шубҳамиз йўқ.

Илгари сайлов яқинлашиши билан партияларо фикрлар тортишуви ва гоёлар курашига гувоҳ бўлардик. Улар қанчалик табиий ёки сунъий жараён эканлиги бошқа масала эди, албатта. Ҳозирги ҳолатнинг эътиборли жиҳати шундаки, битта партия аъзоларининг ўзаро баҳси деярли кузатилмаган, ноб ва камёб ҳодиса. Бундан жорий йилги сайловлар кучли ва соғлом рақобат муҳитида ўтиши кутилаётганини англаш қийин эмас.

Хўш, O'zLiDeP фаоллари нечун мурасасиз мунозарага киришишди? Баҳсининг мазмуни кун тартибидеги қайси масала билан боғлиқ бўлди?

2

Муносабат майдони

Жаҳон иқтисодий форуми бизни нималардан огоҳ этмоқда?

Ёки "Тўртинчи саноат инқилоби" концепцияси партия сайловолди дастурига қай даражада дахлдор?



Бахтиёр ЯКУБОВ,
O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши
Ижроия қўмитаси
раиси ўринбосари

Ушбу мақолани тайёрлашдан олдин баъзи мулоҳазаларга ҳам бордик. Бир қарашда мураккабдек кўринадиган бунча мавзуда ёзиш қанчалик ўринли? Ҳозир одамларни шундай масала қизиқтирадими? Балки фақат партия экспертлари доирасида муҳокама қилиш, тегишли хулосалар чиқариш kifодидир?

Дунё медиа майдонида бир неча йилдан бери долзарб бўлиб турган мазкур мавзуга шу пайтгача ҳеч бир ижтимоий сиёсий газета, сиёсий партия

ёки таҳлилий марказларимиз етарлича эътибор қаратмагани шундай иккиланишларни тугдирганди. Лекин масаланинг қўламли, ривожланиш суръатларидан келиб чиқиб, ушбу глобал жараёнларнинг эртага Ўзбекистон учун ҳам ижобий ёки салбий роль ўйнаши мумкинлигини ҳисобга олиб, бу борадаги қарашларимизни кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этишга қарор қилдик. Жамиятда бу борада фикр алмашинувиغا эришиш мазкур жараёнларга тайёр бўлишимизда муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқ.

Дунёнинг машҳур иқтисодчиларидан бири Клаус Швабнинг "Тўртинчи саноат инқилоби" концепцияси кейинги йилларда қўлаб давлатлар сиёсатчиларию иқтисодчилари, жамиятшунос олимлари орасида кенг муҳокама қилинаётир. Хўш, Клаус Швабнинг ўзи ким? Унинг назарияси нима сабабдан дунё жамоатчилигини бунчалик жунбушга келтирмоқда? Энг асосийси, ушбу гоё доирасида илгари суриллаётган фикрларнинг Ўзбекистон учун аҳамияти нимадан иборат? Аввало, Клаус Шваб ва у

етакчилик қилаётган "Давос" тўғрисида. Жаҳон иқтисодий форуми (қисқача: жойлашган худуди номи билан машҳур "Давос") ҳақида эшитмаган одам кам бўлса керак. Дунёнинг етакчи иқтисодчиларидан иборат экспертларни бирлаштирган, ҳар йиллик йиғилишларига қўлаб давлат раҳбарларидан тортиб, сайёрамизнинг машҳур шахсларини жалб этадиган ушбу форум жаҳон иқтисодиётидаги энг муҳим тенденцияларни таҳлил қилиш орқали яқин ва узоқ келажикда дунё мамлакатлари иқтисодиётини кутаётган жараёнлар борасида прогнозлар ишлаб чиқади. Форумнинг йиллик анжуманлари бошланиши билан "Давос" доирасидаги муҳокамалар етакчи давлатларнинг оммавий ахборот воситаларидаги марказий мавзуларга айланиши ҳам бежиз эмас.


Ушбу форумнинг асосчиси, 1971 йили ташкил топганидан буён ҳозирга қадар раҳбари Клаус Шваб "Давос" атрофида жамланган 200 дан ортиқ экспертнинг фикрларини умумлаштириб, "Тўртинчи саноат инқилоби" ва шу билан боғлиқ

бошқа асарларини эълон қилган эди. Унинг фикрича, дунё ҳозир ўз тараққиёт йўлида шундай туб ўзгаришлар арафасида турибдики, инсоният ҳаётида худди олдинги учта саноат инқилоби натижасида кузатилгани каби кескин ва кенг қамровли янгиланишлар бўлиши мумкин.

Шу ўринда ўтган учта саноат инқилобига қисқача тўхталасак: Биринчи саноат инқилоби 1760-1840 йилларни қамраб олиб, сув ва буғ энергиясининг ўзлаштирилиши ва шу орқали қўл меҳнатидан механизациялашган ишлаб чиқаришга ўтилиши билан характерланади. Иккинчи саноат инқилоби XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида кузатилиб, электр энергияси ва конвейер усули асосида илгари мисли қўрилмаган ҳодиса – саноатда оммавий маҳсулотлар ишлаб чиқариш бошланиши билан аҳамиятлидир. Учинчи саноат инқилоби XX асрнинг 60-йилларида бошланган бўлиб, электрон ва рақамли технологиялар натижасида саноат автоматлашув даражасига кўтарилди.

3

УШБУ СОНДА:



Кўшилган қиймат солиғи бензин нархининг ошишига таъсир этадими?

5

Китобдаям китобга ҳайкал қўйсангиз...



6

Қурбонлик

8

Этикдуз оиласи билан айвонда кечки овқатни тановул қилаётган экан. Бизни кўриб хижолатдан ўтиргизгани жой тополмай қолди. Онам болакайга конфет, аёлига эса дори-дармон, оила бошлиғига эса уйнинг калитини узатди.

Қўшма йиғилиш:

Бугун уйғонмасак, эртага кеч бўлади

Бошланиши 1-саҳифада.

Индаллосини айтганда, мунозаранинг маг- зини партиянинг янгилашган дастури ва сайлов- одди платформасининг лойиҳалари ташкил қилди. Мутасаддиларнинг изоҳича, навбатда- ги сайловларда электротарта мамлакатни яқин ва узоқ муддатларда ривожлантиришнинг энг мақбул йўллари тақлиф қила олган партиа- гина галаба қозонади. Чунки бугунги сайловчи кечасидан тубдан фарқ қилади. Ким нимани олиб чиқаётганини кўчаларга илинадиган чи- роқли баннерлардан ўқимагани билан ижтимоий тармоқлар орқали яхшилаб танишади, виртуал муҳокамадан ўтказишади. Демак, дастурдаги ҳар бир мақсад аниқ ва қисқа баён этилиши, жумлалар равоён ёзилиши даркор. Кейинги беш йилликка мўлжалланган сиёсий платформада қай йўналишларни қамраб олиши, қайси сини ҳужжатга киритмаслик эса янада долзарб аҳамият касб этади.



сонпарварлик тамойиллари асосида либерал- лаштиришни ишчи давом эттириши; — кўплаб масалаларни судгача ҳал этиш механизмини жорий этиши; — нотариат ва адвокатура институтла- ри фаолиятини қайта кўриб чиқиш, уларга хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъекти сифатида қарашни шакллантириши.

Учинчидан, партиянинг иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш соҳасидаги вазифалари:

— солиқ имтиёзларини бекор қилиш нўқтаи назардан ушбу масалани жиддий қайта кўриб чиқиш, бунда имтиёзларнинг кўринган ва кўринмаган, қўрилган ва қўрилмаган шаклда коррупция ҳолатларига йўл очилиши ҳисобга олиши; — қишлоқ хўжалигида маъмурий бошқару- дан бутунлай воз кечиб, шартномавий муно- сабатларга амалда ўтиши; — маъмурий тарзда кредит ажратиш ти- зимида воз кечиб мақсадида банкларга тад- биркорлик субъекти сифатида қараш тушун-часини шакллантириши; — яқка тартибдаги тадбиркорларга на- фақат бизнес субъекти ва солиққа тортиш объекти, балки уларга ўзини-ўзи боқувчи, боқимандаликка қарам бўлмаган катта бир қатлам сифатида қараш; — инвестициявий жозибадорликни оши- риш, экспортни ривожлантириш, туризм, АҚТ, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқу-чи технопарклар тизимини кенг йўлга қў- йиш, инновацион парклар фаолиятини та- комиллаштириш, шунингдек, Тадбиркорлар кунини қонун асосида белгилаш.

Тўртинчидан, партиянинг ижтимоий соҳани ривожлантиришдаги вазифалари:

— хусусий тиббиётга кенг йўл очиб орқали аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш соҳасидаги муаммоларни бартараф этишда рақобат тамойилига алоҳида ургу бериш; — хусусий таълимнинг яхлит ҳуқуқий асо- сини яратилиши, соҳада ички ва ташқи инвести- ция имкониятларидан кенг фойдаланиш; — "Аёллар тадбиркорлиги", "Ёшлар инно-

вация пастлиги, янаям ачинарлиси, уларнинг 50 фоизидан кўпи "йўқолиб" қолганини, депутат сифатида айтарили фаолият кўрсатмай, фақат- гина маош оладиган идорасининг топшириқла-рини бажариш билан бандлигини кучоқчилик билан тилга олди. Шундан келиб чиқиб, муҳо-



камадаги лойиҳаларга фаолиятни баҳолаш ме- зонларини киритишни тақлиф қилди.

— Биз дастурларимизга қанчалик муҳим ма- салаларни киритмайлик, уларнинг бажарилиши учун қатъий курашмасак, оддий қогоз бўлиб қо- лаверади, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Виктор Пак. — Истикболли режаларнинг жой- лардаги ижросини назорат қиладиган асосий куч бу маҳаллий кенгашлардаги депутатлари- миздир. Уларда эса на "тиш" ва "тирноқ" бор, на эшикдан ҳайдаса, тешикдан киришга интилиш бор?!

— Нима учун маҳаллий кенгашлар сайлов арафасидагина эсимизга тушиб қолади, — деди Олий Мажлис Сенати аъзоси Тolibжон Ма- думаров. — Мана, ҳозир муаммони кўтараямиз. Лекин атиги 5 ой қолган. Сув оқиб ўтиб кетган. Уша номуносиб депутат номзодини ким кўрсат- ган? Фаолиятни қонкурсиз экан, нега вақтида қайтариб (чақиртириб демокчи бўлди шекилли) олинмади? Президентимиз ташаббуси билан ҳокимларнинг маҳаллий кенгаш раиси сифа- тидаги ваколатлари тугатилиши билан боғлиқ тегишли ҳужжатлар лойиҳалари тайёрлангани- дан яхши хабардорсизлар. Улар яқинда қабул қилиниши кутилаяпти. Лекин биз ҳозир депутат- ларни уйғотиш чораларини кўришимиз керак. Мудроқлик масаласи кўтарилиши билан пойтахтдаги ҳаммаша бедор ва фаол партиядош- ларимиздан бири, Халқ депутатлари Юнусо- бод туман Кенгаши депутати Рената Юсупо- ва сўз олди:

— Энг аввало, бизнинг томорқамизга отила- ётган тошлар қанчалик асосли эканлиги хусу- сида чуқурроқ ўйлаб кўриш даркор, — деди у. — Маҳаллий кенгаш депутатининг оёғига тушов бўлаётган баъзи сабаб ва омиллар бор. Ўз фаолиятимдан бунга кўплаб мисоллар келти- ришим мумкин. Аммо ҳозир мен уларни санаб вақтни йўқотмоқчи эмасман. Аксинча, кела- жакни ўйлаб дастурга аниқ тақлиф киритмоқ- чиман. Яъни, навбатдаги циклга мўлжалланган сиёсий платформамизга электрон (маҳаллий) кенгаш ва онлайн муҳокама тизимига ўтиш масаласини қўйишимиз зарурлигини айтмоқ- чиман.

Парламент қуйи палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси раҳбари Адҳам Шодмонов юқо- ридаги мулоҳазалар, хусусан, Сенат аъзоси Тolibжон Мадумаров фикрларига фақатгина қисман қўшилишини қайд этар экан, платфор-

савияси, унга обуна бўлмаслик замондан ортада қолиш билан тенглиги, "Халқ сўзи" газетасида партиалар фаолиятига бағишланган танқидий мақолага қандай жавоб қайтарилиши, мамла- кат ёшларининг 95 фоизи партиаларни умуд- ман танимаслиги, О'зЛиДеР навқирон авлод муаммолари билан астойдил шуғулланмаслиги, гендер тенглиги кўп гапирилаётган вақтда ҳудудий партиа ташки- лотлари аппарат раҳбарлари- дан фақат бир нафари (у ҳам вазифасини бажарувчи) аёл эканлиги ҳам айтилди.

Ниҳоят О'зЛиДеР муа- сислигида чоп этилаётган "XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири Норқобил Жалилов ўз фикр- мулоҳазаларини қисқачина қи- либ шундай баён этди:

— Гарчи биз бугун муҳока- ма қилаётган ҳужжат лойиҳа- си рус тилида тайёрланган

ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этасак. Мулкдор ҳам, ташқи ёки ички инвестор ҳам ўз мулкнинг ҳеч қачон ҳеч ким томонидан тортиб олинмас- лиги, қурган иморати ноқонуний равишда бу- зилмаслиги кафолатланганини сезиши учун ҳам биринчи галда қонунларнинг тўғридан тўғри амал қилишига эришишимиз зарур.

Ишбилармон доиралар олдидаги кўзга кўринмас тўсиқлар, хусусий маблаг ҳисобига бунёд этилган бино ва иморатларнинг бузи- лиши билан боғлиқ мавзудаги баҳсдан Расул Қушербаевнинг четда қолиши бироз мантиқ- сизлик бўлар эди, албатта. Дарвоқе, унинг қа- ерда ишлашини баён этишга ҳожат йўқ. ОАВ ва ижтимоий тармоқларда аҳоли манфаатини кўз- лаб қилаётган ўткир чиқишлари туфайли кенг жамоатчиликка яхши таниш бўлиб қолган.

— Сайловчининг ҳам, даврнинг ҳам талаби аниқлик ва реаллик эканини инобатга олиб, битта тақлиф киритмоқчиман, — деди у. — Шах- сий уй-жой ва тадбиркорлик субъектларига мансуб иншоотларни давлат ва жамият эҳти- ёжи учун "снос" қилиш тартибини бутунлай ўзгартириш, бу борада қарор қабул қилиш ва-



бўлса-да, лекин моҳиятан О'зЛиДеР ғояларига тўла-тўқис жавоб беради деб ўйлайман. Лекин мени бошқа нарса қийнапти: у ҳам бўлса ҳам- мамиз ўз билганимизча кун тартибдаги асосий масала бир четда қолиб, бутунлай бошқа му- аммолар хусусида тортишиб ётмибиз. Дўстлар, ҳеч ким ҳеч кимга тош отаётгани йўқ, маломат қилмайлик, барчамиз бир мақсад, бир эзгу йўл бирлаштириб турибди, яъни, шу партиа ну- фузини одамлар орасида кўтариш, тўғрими?

Мажлисада партиа наشري фаолияти хусуси- да фракциямиз аъзоси Эркин Холбўтаев ҳам танқидий гап-сўзлар билдирди, бу фикрларга тўла қўшилган ҳолда айтишни истардим, ўзи мунтазам ўқимайдиган, деярли кузатмайдиган ва асосийси, обуна ҳам бўлмаган газетанинг савияси, ўқишлилик даражаси ҳақида гапириш қайси мантиққа тўғри келади? Устига устак, сал- кам қирқ кишилик фракция аъзоларидан бор- йўғи икки кишигина "XXI asr" газетасига обуна бўлганини қандай изоҳлаш мумкин?!

— Парламент палаталарининг айрим вако- латлари тақдорлангани, аниқ чегараланмагани ёхуд ажратилмагани ҳақидаги гапларга қўшил- майман, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Раҳимжон Ҳақимов. — Масала моҳиятига бун- дай ёндашув мақсада мувофиқ эмас. Асосий эътиборни қонунларни тўғридан тўғри ишла-

колатини маҳаллий ҳокимиятлардан судларга ўтказиш учун ҳаракат қилиш лозим. Шунини қи- лолсак, электротартиб энг оғриқли нуқталари- га малҳам қўйган бўлаимиз. Сайловчининг пар- тияга, депутатага ишончи мана шунақа амалий ишлар билангина мустаҳкамланади.

Аниқ жавоб ўрнига...

Очик муҳокама давомида сўз сўраган- ларнинг барчасига қисқароқ бўлса ҳам имкон берилди. Тақлифимни айтман, деб вилоят- лардан етиб келган фермерлар тадбиркор- ларга ҳам, водий ва воҳалардаги маҳаллий кенгашлар депутатларига ҳам. Албатта, Сав- до-саноат палатаси сингари партиянинг до- имий ҳамкор ташкилотлари вакиллари-да мулоқот марказида бўлди. Пойтахтимиздаги 110-умумтаълим мактаби битирувчиси, айни пайтда абитуриентлик ҳаяжонда юрган Ро- зибону Анварованинг "Нима учун О'зЛиДеР ва унинг депутатлари ҳар бир ёш билан ин- дивидуал тарзда ишламайди", деган саволи- га иштирокчилар давоми қарсақлар билан жавоб қайтаришди. Олқишлар ниҳоясида му- тасаддилар вазиятни бироз юмшатиш учун партиа ва мактаб ўқувчилари ўртасидаги му- носабатлар қандай тартибга солинганидан сўз очилди. Фракция фаолияти билан яқиндан та- нишиш учун парламентга тақлиф қилинди.

Айтганча, тадбир қатнашчилари муҳокама- даги лойиҳаларга киритилмаган йўналишлар ҳақида ҳам очик-ойдин гапиришди. Жумла- дан, глобаллашув шиддати тобора кучайган ҳозирги кунда дастурда ахборот ва сўз эр- кинлиги билан боғлиқ бирор жумла йўқлиги, PR-технологиялардан фойдаланиш, мустақил журналистлар ва блогерлар билан ҳамкорлик масалаларига эътибор қаратилмагани танқид қилинди. Стратегия сектор ҳисобланган туризм соҳасига кенг ўрин берилмаганига эътирозлар билдирилди.

Айрим эътирозлар йиғилиш тугагани эъ- лон қилингандан кейинги гала-говурда ҳам қулоққа чалинди: биров "шунча тақлиф ўртага ташландию, лекин уни ишчи гуруҳ аъзолари- дан кимдир ёзиб олаётгани кузатилмади" деса, бошқаси "ниҳоят видеокамера охиригача ёзди- ку, шундан чиқариб олинса керак"лигини тах- мин қилди. Учунчиси ташкилотчиларнинг сўзга чиққанлардан ўз тақлифларини ёзма равишда топширишни сўрагани бежиз эмаслигига эъти- бор қаратди.

О'зЛиДеР матбуот хизматининг ҳисоб-кито- бига кўра, муҳокамаларда юзга яқин тақлиф билдирилган. Хўш, уларнинг қанчаси дастурга қиради? Қанчаси маълумот учун қабул қилина- ди? Қанчаси номтаъқул деб топилди? Тадбир- ни ёритувчи журналист сифатида энди бутун диққатимизни ана шу жараёнга қаратамиз.

Сиз ҳам бизни кузатишда давом этинг.

Озод РАҲАБОВ, Шухрат РАҲИМОВ (суратлар), "XXI asr" мухбирлари

Янги тақлифлар билан танишайлик-чи...

Мулоқот иштирокчиларини партиа дасту- рига киритиш тақлиф этилаётган янгиликлар билан О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси котибият мудири, экспертлар гу- руҳи раҳбари Нуриддин Муродов таништир- ди. Унинг мулоҳазаларига кўра, сўз эркинлиги ҳуқуқи таъминланган, очик ахборот маконидан монеликсиз фойдаланадиган сайловчининг тала- би даражасида фаолият юритиш осон эмас. Шу боис ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгарти- риш режалаштирилмоқда.

Амалдаги дастур еттига бўлимдан иборат бўлса, тақлиф этилаётган лойиҳа Ҳаракатлар стратегия тузилиши каби беш бўлимни ўз ичига олган. Сайловолди платформаси бўлим- ларининг номланиши ва кетма-кет- лиги ҳам стратегияга мослаштирил- ган. Уларни тайёрлаш жараёнида 2016 йилдан кейин қабул қилинган Президент фармонлари ва қарор- лари талаблари, ижтимоий-иқти- содий давлат дастурлари, миллий қонунчилик ва халқаро тажриба атрофида кўриб чиқилган.

Биринчидан, партиянинг дав- лат ва жамият қурилишини та- комиллаштириш соҳасидаги вази- фалари:

— парламент палаталарининг айрим ваколатлари тақдорлан- ганлиги кўзланган мақсадни тўла намойн эт- майди. Юқори палата бир пайтнинг ўзида ҳам ҳудудлар манфаатини ҳимоя қилса, ҳам ўша ҳудуд юзасидан юқори палата аъзоси сифа- тида назорат олиб боради. Шундай назорат институти қуйи палатада ҳам маъжуд. Пар- ламент қарорларининг юридик таъсири чега- расини аниқ белгилашга зарурат бор; — Маъмурий ислохотлар концепцияси амалга оширилаётган бўлса-да, давлат ҳо- қимияти ва бошқаруе органлари ваколат- лари ҳамон марказлашганча қолмоқда; — ҳокимият органларининг ҳуқуқий мақоми аниқ чегараланмаган; — айрим ижро этувчи ҳокимият органла- рига юклатилган вазифалар декларативе хар- акатерга эга бўлиб, уларни амалга ошириш- нинг ташкилий-ҳуқуқий механизми етарли эмас;

— вазифалар тақдорланиши ва давлат то- монидан ортиқча тартибга солиш ҳолатлари маъжуд;

— "Ҳокимликлар мақоми тўғрисида", "Маҳаллий кенгашлар фаолияти ва регламен- ти тўғрисида"ги бир нечта қонун лойиҳалари устида ишлаш тақлиф этилади.

Иккинчидан, партиянинг қонун устувор- лигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишдаги вазифалари:

— Жиноят ишлари бўйича судлардан ташқари бошқа барча судларга прокурорнинг протест киритиш ҳуқуқини шикоят ҳуқуқи институтига алмаштириш; — жиноят қонунчилиги санкцияларини ин-



вация сари" концепцияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; — Тадбиркорлик академияларини ташкил этиш.

Бешинчидан, партиянинг хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағри- кенгликни таъминлаш ҳамда ташқи сиё- сат соҳасидаги вазифалари:

уйбу бўлимдаги асосий тақлифлар дав- латимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида Афғонистон ва Марказий Осиё- да хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, низоларни тинч йўл билан ҳал қилишда ҳам- корлик масалаларидаги баёноти, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-модда- си ҳамда Ташқи сиёсат концепциясига асо- сланади.

"Танқидни ўзимдан бошламоқчиман"

Муҳокамаларда биринчи бўлиб сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Клара Жамму- ротова ўз мулоҳазаларини ана шундай сўзлар билан бошлади. Сенатнинг XX ялли мажлиси- даги Президентимизнинг танқидий фикрлари нафақат парламент юқори палатаси вакиллари, балки барча бўғиндаги депутатларга тегишли экани, бундан хулоса чиқариш кераклигини таъкидлади. Ҳар ойнинг охириги ҳафтасини сай- лов округида ўтказаяётганига асосланган ҳолда маҳаллий кенгашлардаги ҳамкасбларининг са-



Жаҳон иқтисодий форуми бизни нималардан огоҳ этмоқда?

Ёки “Тўртинчи саноат инқилоби” концепцияси партия сайловолди дастурига қай даражада дахлдор?

Бошланиши 1-саҳифада.

Ушбу ўзгаришлар нафақат саноат ва иқтисодиётга, балки инсоният ҳаётининг барча жабҳаларига кескин таъсир қилгани яхши маълум. Улар аҳолининг турмуш тарзига тубдан таъсир кўрсатиб, кечагина ўта муҳим айрим соҳа ва қасбларнинг йўқолиб кетишига, ҳатто янги анъана ва удумлarning юзага келишига сабаб бўлган. Бундай муҳим паллада дунёқарашини тезда янги замонга мослаштира олмаган миллатлар, модернизация борида сусткашликка йўл қўйган давлатлар етакчилик мавқеини ўз-ўзидан бошқаларга бўшатиб берганини сезмай қолган. Тўртинчи саноат инқилоби жараёнларида ҳам худди шундай вазият кузатилиши турган гап.

Таҳлилчилар фикрича, *Тўртинчи саноат инқилобининг ўзига хос хусусиятлари* рақамли, физик ва биологик технологиялар ютуқларини мужассамлаштирган янги технологияларнинг вужудга келиши, *рақамли технологиялар ва органик биологик дунё ўртасидаги чегараларнинг йўқолиб боришида намойён бўлади*. Ҳозирданок 3D принтери орқали уйлари билан бошлагани бежиз эмас. Демакки, тараққиётдан орқада қолишни истамаган давлатлардан нафақат ўзгаришлар фалсафасини англаш қобилияти, балки уларнинг ҳаётимизга кириб келиш суръатларини ҳисобга олган ҳолда мобиллик, теокорлик, кенг қўламли ишларни кечтирмасдан амалга ошириш талаб қилинади.

Ҳўш, технологик ўзгаришларга тайёр бўлмаган давлатларни эртага нималар кутади? Дунёқарашдаги, қадриятлар тизимидаги ўзига хосликлар тўғрисида, қолаверса, иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий сабабларга кўра ушбу технология янгиликларини ўз вақтида қабул қила олмаган жамиятлар тараққиётда илгари эгаллаб турганидан ҳам орқада қолиб кетиши тарихий тажрибадан маълум. Клаус Шваб одамни сергаклаштирувчи бир фактни келтиради: **“Ҳозирда дунё худудининг 17 фоиз қисмида яшовчи аҳоли ҳалигача биринчи саноат инқилоби даврида ҳаёт кечирмоқда**. Чунки 1,3 миллиард аҳоли электр энергиясидан фойдаланиш имкониятидан, демакки, у билан боғлиқ технологиялардан фойдаланишдан мосуво. **Дунё аҳолисининг 50 фоизга яқини, қарийб 4 миллиард киши эса ҳали иккинчи саноат инқилоби даражасида қолиб кетган давлатларда истиқомат қилади**. Замонавий рақамли технологиялар, хусусан, интернет бу мамлакатлар учун ҳали ушалмаган орзу”.

Қайси давлат Тўртинчи саноат инқилоби моҳиятини англаб олиб, катта тезликда кетаётган тараққиёт поездига чиқиб улгурса, ривожланган давлатлар қаторида илгарилаб бораверади. Фурсатни бой берганларнинг эса ўша 17 фоиз ёки 50 фоиз таркибига қўшилиши эҳтимолдан йироқ эмас. Шу маънода технология янгиликларининг асосий траекторияларини тўғри белгилаб, қайси технологиялар Ўзбекистоннинг инновацион тараққиётга мос келишини аниқлаб, уларни ривожлантириш борасида аниқ дастурларни ишлаб чиқиш зарур.

Дунёнинг етакчи давлатлари, МДХ ҳамда минтақамиз мамлакатлари тажрибаси нимадан дарак беради? Ушбу муҳим технологик жараёнлар қандай ўзгаришларни келтириб чиқаришини биринчилар қатори англаб етган, шаклланаётган янги дунёда етакчилардан бирига айланиш учун ҳозирданок ҳаракатини бошлаган давлат Германия бўлди. 2011 йилдаёқ Ганновер ярмаркасида “Индустрия 4.0” лойиҳасини илгари сурди, саноатини айнан Тўртинчи саноат инқилоби технологиялари асосида модернизациялашга тизимли равишда киришди. Олмонлар бу борадаги ишларни “Intelligent Technical Systems OstWestfalenLippe” ташкилоти орқали амалга ошириб келмоқда. Германия ишлаб чиқариш соҳасини янги рельсларга ўтказиш мақсадида ҳар йили 40 миллиард евро маблаг йўналиштирмоқда.

Европанинг Голландия, Франция, Буюк Британия, Италия, Бельгия каби мамлакатларида ҳам саноатни “Индустрия 4.0” талабларига мослаштириш билан махсус шугулланувчи, бу борада давлат, бизнес ва фан ҳамкорлигини таъминлашга хизмат қилувчи марказлар ташкил этилган. АҚШда эса ушбу мақсадда дастлаб 2012 йили давлат идоралари, бизнес ва университетларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун Ақли саноат лидерлари коалицияси, 2014 йили “Industrial Internet” консорциуми тузилди. Осие давлатлари орасида Хитой, Жанубий Корея бу борада алоҳида дастурлар қабул қилган бўлиб, “ақли” саноатни шакллантириш йўлидан бормоқда.

МДХ мамлакатларидан Россия Федерациясида 2017 йил февралда “Миллий технологик ташаббус”, унинг доирасида “Илгор

ишлаб чиқариш технологиялари” (“Технет”) лойиҳасини амалга ошириш бошланди. Унга кўра мамлакатда “Индустрия 4.0” талабларига мос келувчи ишлаб чиқариш улушини 1,5 фоизга ошириш мақсад қилиб олинган. Ушбу йўналишдаги муҳим қадамлардан яна бири “Роскосмос” ва “Ростелеком” ташаббуси билан Саноат интернетини ривожлантиришга қўмаклашиш асосида тузилди бўлди. Икки илгор компания имкониятларидан фойдаланиб, саноатнинг турли жабҳаларига рақамли иқтисодиёт элементларини кенг қамраб олишга ҳаракат қилинмоқда. Тўртинчи саноат инқилоби технологияларининг барча йўналишларида бирданига иш бошлаш мумкин эмаслиги, мамлакатнинг иқтисодий имкониятларидан келиб чиқиб зарурлиги ҳисобга олинмоқда. Шу боис 2018 йилнинг биринчи ярмида бош вазир ўринбосари М. Акимов раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ Россия компаниялари тез натижага эришиши мумкин бўлган йўналишларни ўрганиб чиқди.

Шу йил 10 июль куни эса Президент бошчилигидаги йиғилишда ҳар бир йўналишни ривожлантириш бўйича маъсул корпорация ва ташкилотлар белгилаб олинди. Алоҳида таъкидлаш кераки, жуда катта маблаг ва меҳнат талаб қиладиган мазкур ишларни ҳозирги босқичда давлат улуши иштирокидаги йирик, иқтисодий ва интеллектуал салоҳият юқори корпорациялар удаллаши мумкин деб ҳисобланмоқда. Кейинги босқичда эса ушбу инновацион йўналишларга кичик ва ўрта бизнеснинг ҳам интилишини рағбатлантирувчи саъй-ҳаракатларни амалга ошириш мўлжалланган. Россия Федерацияси “Квант коммуникациялари” (маъсул: “Россия темир йўллари”), “Янги материаллар яратиш” ҳамда “Квант ҳисоб-китоблари” (маъсул: “Росатом”), “Таксимланган реестр технологиялари”, “Квант сенсорлари” ҳамда “Торчиқлик симсиз алоқаларнинг янги авлоди” (маъсул: “Ростех”), “Симсиз алоқаларнинг янги авлоди” (маъсуллар: “Ростех”, “Ростелеком”), “Сунъий интеллект” (маъсул: Сбербанк) каби йўналишларни устувор деб белгилаб олди.

Марказий Осие минтақасидан Қозғистондаги янги технологик жараёнларга тайёрларги бошлаб юборилган. Биринчи президент Нурсултон Назарбоевнинг 2018 йилдаги парламентга мурожаати “Тўртинчи саноат инқилоби шароитида ривожланиш учун янги имкониятлар” деб номланган, дунёда шаклланаётган янги технологик вазиятга мамлакатни мослаштириш учун бажарилиши лозим бўлган ўрта устувор вазифа белгилаб берилган эди. Ҳозирда ушбу йўналишларда инновацион марказлар, хаблар, лабораториялар локомотивлик қилаётганини кўриш мумкин.

Астанада бўлиб ўтган “Экспо 2017” асосида фаолият юритаётган Халқаро кўргазма марказининг ҳар бир қавати Қозғистоннинг Тўртинчи саноат инқилоби технологияларидан қайсыларини ривожлантиришга интилаётгани намойиш қилади.

Ўзбекистонда шу йўналишда амалга оширилаётган ишлар ва ривожлантириш истиқболлари. Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш, инновацияларни амалиётга жорий этиш борасида 2017 йилдан бошлаб мутлақо янги тартибда иш олиб боришмоқда. 2018 йилнинг “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиниши, унинг доирасида амалга оширилган давлат дастури мамлакат иқтисодиётининг етакчи соҳаларига илгор технологияларни таътиб этиш, жамият ҳаётининг бошқа жабҳаларига ҳам янгиликлар киритиш борасида муҳим қадам бўлди. Мамлакат раҳбарининг фармон ва қарорлари билан тегишли соҳаларни модернизациялаш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди. Айниқса, Инновацион ривожланиш вазирлигининг ташкил этилиши бу йўналишдаги ишларни тизимли асосга қўйишга туртки бўлди.

Ўзбекистон дунёнинг 50 та энг ривожланган давлати қаторига қўшилиши астойдил мақсад қилган экан, мамлакатни Тўртинчи саноат инқилоби талабларига мослаштириш тақозо этилади. Бунинг учун эса ҳали истиқболда қўллаб-қувватлаш бу борада муҳим лозим бўлади.

2018 йилги давлат дастурида инновацион ғоя ва технологияларни қўллаб-қувватлашнинг айнан фаол тадбиркорлик билан боғланган ҳолда илгари сурилгани бежиз эмас. Рақамли иқтисодиёт айнан кучли бизнес мавжуд жойда ривожланиши мумкинлиги бугун барчага аён. Демак, ҳам марказда, ҳам худудларда бизнес муҳитини яхшилаб бориш, айниқса, инновацион технологияларни жорий этаётган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бу борада муҳим натижаларга эришишга имкон беради. Айниқса, саноатда хусусий бизнеснинг улушини тизимли равишда ошириб бориш мамлакатни “Ин-

дустрия 4.0” шароитига тайёрлашда алоҳида ўринга эга.

Етакчи мамлакатлар янги давр технологиялари орасида ўзига мос йўналишларни танлаб олиб, уларни ривожлантириш бўйича тизимли ишларни йўлга қўйиш мақсадида давлат улуши қўп бўлган корпорациялар, ташкилотлар имкониятидан кенг фойдаланмоқда, натижада маҳаллий саноатда “Индустрия 4.0” форматига ишловчи локомотивлар вужудга келтирилмоқда. Мамлакатимизда ҳам квант логистикаси, янги интернет маҳсулотлар, нефть-газ секторида инновацияларни жорий этишга “Ўзбекистон темир йўллари”, “Ўзэлтехсаноат”, “Ўзбекнефтгаз” каби йирик ташкилотлар имкониятларини жалб қилиш мумкин. Бой ероти захираларига эга мамлакатимизда ушбу соҳаларга “Инновация 4.0” талабларини таътиб этишга бундай янгиликлардан манфаатдор Навоий кон-металлургия комбинати, Олмалик кон-металлургия комбинати каби йирик ишлаб чиқариш корхоналари маъсул қилиб белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон учун “Индустрия 4.0” яратадиган энг катта имкониятлар ҳам, маълум бир хавфлар ҳам инсон омили билан боғлиқдир. Чунки меҳнат ресурсларида интеллектуал салоҳиятнинг роли тобора ошиб бориши ушбу янги давр учун характерли хусусиятлардан ҳисобланади. Марказий Осиеда энг қўп аҳолига эга Ўзбекистоннинг, албатта, бу борада ҳам катта имкониятлари мавжуд. Тўртинчи саноат инқилобида капиталга таянган иқтисодиёт ўрнини “истеъдодлар иқтисодиёти” эгаллаб болашини ҳисобга олсак (сармоянинг ўзи интеллектуалларга, уларнинг ноу-хауларига интила бошлайди), айнан инсон капиталини кўтаришга устуворлик берилишининг зарурати ойдинлашади. Шу билан бирга, “Индустрия 4.0” тугдирадиган энг катта хавфлардан бири ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларининг рақамлашуви ва автоматлашуви натижасида қўллаб иш ўринлари қисқариб кетишидир. Меҳнатлаб таътиб қилинган аҳолини, биринчи навбатда, ёшларни янги технологик даврда яшаш ва меҳнат қилишга тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон тажрибаси, энг аввало, аҳолининг компьютер саводхонлиги, рақамли технологиялар асосларини билиш даражасини кўтариш лозимлигини кўрсатади. Бу борада Ўзбекистонда муайян натижаларга эришилгани билан қаноатланмай, мазкур йўналишдаги ишларни ўзлуқсиз давом эттириш муҳим аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда олий таълимни тубдан ислох этиш, Фанлар академияси тизимини такомиллаштириш борасида қилинаётган ишлар ҳам мамлакатни янги технологик даврга тайёрлашда муҳим ўрин тутади. Ривожланган давлатлар билан ҳамкорликда янги олий таълим муассасаларини очиб, замонавий касблар бўйича мутахассисларни тайёрлаш борасидаги ишларни янада кенгайтириш, албатта, ўз самараси бериши шубҳасиз. Янги технологиялар даври юқори салоҳиятга эга кадрларга эҳтиёжни тубдан оширади. Ўзбекистонни шу йўналишда бутун Марказий Осие учун юксак малакали мутахассислар тайёрлаш марказига айлантириш мамлакатимизнинг келажакда “Индустрия 4.0” бўйича минтақа пешқадамлигини қўлга киритишида муҳим омил бўлади. Олий ўқув юртимизда ҳам Тўртинчи саноат инқилоби технологияларини таътиб этиш, ўзимизга мосларини бизнес тузилмалар билан ҳамкорликда ривожлантириш юзасидан етарли салоҳият мавжуд. Ушбу йўналишни ривожлантириш ва пантентларни қўпайтиришга эришимиз Ўзбекистоннинг янги технологиялар бозорига рақобатбардошлигини кўтаришга хизмат қилади.

Болалар ва ўсмирлар орасида “Индустрия 4.0” йўналишларига қизиқишни оширишга қаратилган ишларни тизимли йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, худудларда ташкил этилаётган коворкинг марказлари, ёшлар ижодиёт уйлари қошида ушбу йўналишдаги фаолиятни кучайтириш зарур. Ёшлар орасида ўтказилаётган танловларда “Стартап” лойиҳаларига жиддий эътибор қаратиш талаб этилади. Уларни молиялаштиришни тизимли асосга қўйишда венчур фондларини ташкил этиш, “Бизнес фаршталар”

тизимини Ўзбекистонда ҳам йўлга қўйиш, албатта, самарасини беради.

“Индустрия 4.0” доирасида инновацияларни ривожлантириш бўйича Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги, электроэнергия, айниқса, қайта тикланадиган энергия манбаларини такомиллаштириш, қолаверса, соғлиқни сақлаш ва бошқа қўллаб соҳаларда жуда катта имкониятлар мавжуд. Фақат бу борада ҳам аниқ мақсадларни белгилаб, қатъий ҳаракатларни амалга ошириш лозим бўлади. **Мақсад эса битта – Ўзбекистоннинг минтақада “Индустрия 4.0.” доирасида етакчи мамлакат бўлишига эришиш.**

Бугун юртимиз ўз тараққиётининг янги даврини бошлаган бир паллада жамоатчилик томонидан миллий ғоя тўғрисида қўп гапирилапти. Фикримизча, Президентимиз илгари сурган Ўзбекистоннинг дунёнинг 50 та энг ривожланган давлати қаторига кўтариш мақсади ҳозир бутун халқимизни умуммақсад йўлида бирлаштиришга қодир ғоядир. Бу борада амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалардан бири юртимизнинг минтақамизда Тўртинчи саноат инқилоби доирасидаги ўзгаришлар пешқадамга айлантириш ҳисобланади.

О’ZLiDeP сайловолди дастури – ривожланиш дастури, тараққиёт дастури сифатида намойён бўлиши лозим. Юқоридаги фикрлар билан танишган ҳар бир юртошимиз бугун мамлакатимиз қандай глобал ўзгаришлар арафасида турганини англаши аниқ. Унутмаслик лозимки, жамият ҳаётининг барча жабҳаларига таъсир қиладиган ушбу янгиликлар катта имкониятлар билан бирга, ундан кам бўлмаган хавфларни ҳам бошлаб келади. Бунга тайёр бўлишнинг бирдан-бир йўли эса зарур ҳуқуқий, моддий базани янада мустаҳкамлаш, ўзимиз учун мақбул йўналишларда “Индустрия 4.0” технологияларини ривожлантиришга тезда киришишдир. Партияимиз сайловолди дастурида ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратиш таклиф қилинмоқда.

Албатта, сайловолди палласида партиялар халқнинг эътиборини қозониш мақсадида айни дамда одамларни ўйлантираётган масалаларга қўпроқ эътибор қаратиши, популистик йўллар билан бўлса-да қўпроқ овоз тўплаш йўлини тутиши керакдек туюлади. Лекин О’ZLiDeP сиёсий майдонга кирганидан буён Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг истиқболи учун маъсул янги зиммасига олган партия сифатида бугун давлатимиз олдида давр кўндаланг қўяётган муҳим масалаларга эътиборсиз бўлиши мумкин эмас. Ватанимиз равнақига, эртанги кунига дахлдор ушбу муаммоларни халққа тушунарли бўлган шаклда, аниқ тақлифлар билан жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиш лозим. Бу Президентимизнинг партия VIII съездида илгари сурган сайловолди дастури ҳамда 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар Стратегиясига таянган ҳолда О’ZLiDeP томонидан илгари сурилган ривожланиш дастури бўлган бўларди.

Бунинг айнан О’ZLiDeP томонидан илгари сурилишига яна бир муҳим асос партиянинг либерал-демократик платформада ишлаётганидир. Бугун дунё қиёфасини ўзгариштиришга янги технологиялар аслади либерал-демократик йўлдан илдамлаётган АҚШ ва Европада дунёга келаятгани ҳеч кимга сир эмас. Айнан шу сиёсий платформа ўзи учун устувор деб биладиган очкиқлик, тенг имкониятлар, инсон омилига бирламчи эътибор каби жиҳатлар етакчи давлатларнинг тараққиёт чўққиларига эришишига сабаб бўлди. Демак, шу асосда қўйилаётган янги технологик давр талабларини тушуниш, уларга мос ривожланиш дастурини тақлиф қилиш бизнинг партия учун имконият даражасидаги ишдир. Қолаверса, бугунги технологик тараққиётга бутун дунёда О’ZLiDeP ўзининг ижтимоий асоси деб билган тадбиркорлар, бизнес вакиллари етакчилиги қилаётгани ҳам сир эмас. Шу боис “Янги Ўзбекистон – янги давр технологияларини жорий этаётган, ривожланган 50 та давлат қаторида муносиб ўрнини эгаллашга интилаётган мамлакатдир” фикри асосий шioriларимиздан бири бўлиши, ривожланиш дастури эса бизнинг сайловолди дастуриимиз мазмунига айланиши лозим деб биламиз.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Ушбу мунозарага чорловчи материал ўзини миллат келажасига дахлдор сезадиган ҳар бир юртошимизда катта қизиқиш уйғотиши, янгидан-янги фикрларга йўл очилишига ишонимиз. Тўртинчи саноат инқилоби жаҳон иқтисодиётидаги муҳим ва мураккаб палла бўлибгина қолмай, мамлакатимиз тараққиётида ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этиши шубҳасиз. Фурсатини бой бермаслик учун эса нафақат фикр-ғояларни, балки саъй-ҳаракатларни ҳам бирлаштириш тақозо этилади. Ушбу йўналишдаги эҳёли мулоҳаза ва амалий тақлифларинингизни газетамиз манзилга ёки муаллифнинг электрон почтаси (vaykubov@mail.ru)га юборишинизни сўраймиз.

Энг муносиблар сараланмоқда

“Ишбилармон аёл-2019”

Авал хабар берганимиздек, иқтисодийтимиз, кичик бизнес ва хусусий секторнинг ривожланишида фаол иштирок этаётган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон касаба уюмлари федерацияси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган келинаётган “Ишбилармон аёл” кўрик танловининг сўнгги саралаш босқичлари давом этмоқда.

Унда ҳакамлар иштирокчиларнинг қўшимча иш ўрни яратгани, фаолият туридан келиб чиқиб, экспортга йўналтирилган ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқараётгани, аҳолига кўрсатаётган хизматининг сифати ҳамда фаолиятида татбиқ этиб келинаётган янги инновацион гояларига алоҳида эътибор қаратишяпти.

Энг муносиб деб топилган иштирокчилар танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи йўлланмани қўлга киритишмоқда.



ритган 25 нафар хотин-қиз айна пайтда навбатдаги баҳсга киришади.

Танлов якунида тўрақўрғонлик “Каримов Ёқубжон саховати” фермер хўжалиги раҳбари Ю. Каримова 1-ўринга, чуствлик хусусий тадбиркор М. Незматжонова 2-ўринга, чортоқлик “Нурбек Муҳаммадиёр” корхонаси раҳбари Ш. Боймирзаева 3-ўринга лойиқ топилди.

– Бугун мен жуда хурсандман, – дейди Ю. Каримова. – Аммо ҳақиқий беллашув олдинда турибди. Республика босқичи биз тадбиркор аёллар учун чинакам тажриба мактаби бўлишига ишонаман.

этиб келмоқда.

– Асли касбим ўқитувчи, аммо мана 6 йилдирки, тадбиркорлик билан шугулланаман, – дейди 2-ўрин ғолибаси, “Денов Хазина” оилавий корхонаси раҳбари Муяссар Алимардонова. – Тадбиркор бўлишим ҳам осон бўлмаган, барибир орта чекиммадим. Мана, ҳозирда маҳсулотларимнинг харидори кўп. Аста-секинлик билан тикув цехимни кенгайтириб, замонавий ва миллий либослар, кўрпа ва ёстиқ жилдлари, дастурхон тикишни йўлга қўйдим. Бугун корхонамизда 30 нафар киши меҳнат қилади.

Муяссар Алимардонова бундан ташқари уйда гулчилик, паррандачилик ва чорвачилик билан ҳам шугулланади. Зеро, меҳнатни севган кишининг рўзгориди барака бўлишини, бундай оилада фарзандлар ҳам меҳнатсевар бўлиб улгайишини у киши яхши англайди.

3-ўрин эса Махлиё Турдимуродовага насиб этди. Шунингдек, яна 5 нафар иштирокчи турли номинациялар бўйича ҳам рағбатлантирилди.

– Хонадонларга кирганимизда ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида юрганларга мана

бундай фаол ишбилармонларимизнинг тажрибаларини ўрнак қилиб кўрсатамиз, – дейди O'zLiDeP Сурхондарё вилоят Кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва мавқени ошириш бўлими мудирини Матлуба Жўраева. – “Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг юқори савияда ўтиши, унда партиянинг фаол тадбиркор, фермер ва хунарманд аёллари ўзаро тажриба алмашишлари ҳам имкон яратишга ҳаракат қилаяпти. Бу эса воҳада мамлакат иқтисодийига ўз улушини қўшаётган хотин-қизларимиз сафи ортисига хизмат қилади.

Ғолиблар ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди. Бундан ташқари бир неча номинациялар бўйича ҳам фаол хотин-қизлар рағбатлантирилди.

Танловнинг бошқа ҳудудлар бўйича натижалари хусусида келгуси сонларимизда хабар берамиз.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” муҳбири

СУРХОНДАРЁ

Машаққатни энгганлар

“Ишбилармон аёл – 2019” кўрик-танловининг Сурхондарё вилояти босқичида воҳа ишбилармон аёлларининг янги қиёфалари кашф этилди, десак муболага эмас.

Биринчиликка лойиқ топилган “Офсет Сурхон” масъулияти чекланган жамиятининг ёш раҳбари Мафтуна Ҳамидбоевани сўзга тортамиз:

– Корхонамиз асосан ташқи реклама билан шугулланади, – дейди Мафтуна Ҳамидбоева. – Қолаверса, ёнувчи чироқлар, баннерлар, пештоқ ёзувлари, арка, бўртма ҳарфлар, реклама шитлари каби маҳсулотларни ҳам ишлаб чиқарамиз ва буюртма асосида мижозларга етказамиз. Яқинда футболка, соябонли бош кийим ҳам ишлаб чиқарамиз. 15 нафар тендошим ёнимда елкама-елка жавлон уриб ишламоқда. Буюртмалар кўпайганда 60-70 нафаргача ёлланма ишчи кучидан ҳам фойдаланаман.

Эндигина 24 ёшни қаршилаган Мафтунанинг шаҳар архитектурасига доир қатор лойиҳалари ҳам бор. Улар орқали ёш тадбиркор танловларда ҳам муваффақиятли иштирок



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ

Истак бўлса бас

Кўрик-танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 44 нафар тадбиркор, фермер ва хунарманд хотин-қизлар ўз кўргазма маҳсулотлари билан иштирок этишди.

– Ишламан, тадбиркор бўламан, деганга юртимизда ҳамма шароит бор, фақат хоҳиш, истак бўлса бас, – дейди нукуслик Зиёда Уте-назарова. – Утган йилнинг апрель ойида тикувчилик, сартарошлик, пазандалик ва турли хил хунар ўргатиш бўйича ўқув маркази ташкил қилгандик. Кейин уқалаш, компьютер курси ва бухгалтерия, қорақалпоқ нақшларини ўрганиш курсларини ҳам қўшдик. Эндиликда эса ошпазлик, эркаклар сартарошонаси, мебель, пойабзал, уяли алоқа телефонларини таъмирлаш, инглиз ва рус тили курсларини ҳам

очмоқчимиз.

Танлов якунига кўра 3-ўрин Элликкальа туманидаги “Гулдирсин – Нафосат” МЧЖ раҳбари М. Джуматовга, 2-ўрин Чимбой туманидаги “Айсель-сулуу” МЧЖ раҳбари А. Қўтлимуратовага, 1-ўрин Нукус туманидаги “Зиёда-Нур” ўқув-маркази раҳбари З. Утеназаровага насиб этди.

НАМАНҒАН

Ҳақиқий беллашув олдинда

– Хотин-қизларни оилавий тадбиркорликка жалб қилиш ва тадбиркорлигини ривожлантиришда бундай танловларнинг аҳамияти катта, – дейди O'zLiDeP вилоят кенгаши бўлими мудирини М. Ворисова. – Беллашувнинг туман босқичларида 100 дан ортиқ ишбилармонлар қатнашган эди. Уларда ғолибликни қўлга ки-

Бошланғич партия ташкилотларида

Рағбат ва эътибор

O'zLiDeP Навоий вилоят Кенгаши Конимех тумани Зафаробод шаҳридаги “Янги ҳаёт” соғломлаштириш марказида фаолият юритаётган бошланғич ташкилотни энг фаол кўйи бўғинлардан бири сифатида эътироф этди.



Бу бежиз эмас, албатта. Гарчи ташкил қилинганидан буён кўп вақт ўтмаган бўлса-да, мазкур таянч тузилма ўз атрофида 100 дан зиёд маслақдошни бирлаштиришга муваффақ бўлди. Бу эса тарғибот ишлари таъсирчан, самарали тарзда йўлга қўйилганидан далолат.

– Маълумки, Президентимиз иқтисодий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича бешта муҳим ташаббусни илгари сурган эди, – дейди мазкур БПТ етакчиси Рустам Зиятов. – Ёшларни жисмоний чиниқтириш, спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари

қилишимиз. Бундай оммавий тадбирлар ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга, уларни соғлом турмуш тарзига даъват этишда катта аҳамиятга эга.

Яқинда партия вилоят ташкилотининг бир гуруҳ ходимлари ана шу илгор кўйи бўғинида бўлиб, фаоллар билан учрашди. Мулоқотда қайд қилингандек, O'zLiDeP ҳар қандай сиёсий кучнинг негизи – бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш ва изчил тақомиллаштириш йўлидан борапти. “Янги ҳаёт” соғломлаштириш марказидаги кўйи бўғин мазкур стратегияни астойдил қўллаб-қувватлаб, партиянинг дастурий вазифаларига ҳамоҳанг қадам ташлашга интилаётгани таҳсинга лойиқ. Учрашувда БПТнинг депутатлар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, жойлардаги иқтисодий-иқтисодий муаммолар ҳал қилинишида таянч тузилманинг ролини кучайтириш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама этилди.

Зиммасидаги вазифаларни сидқидилдан адо этиб, партиянинг нуфузи юксалишига муносиб ҳисса қўшаётган сафдошларимиз ташаккурномалар ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

O'zLiDeP Навоий вилояти
Кенгаши матбуот хизмати

Қўшма корхонага саёҳат

O'zLiDeP Гулистон шаҳар Кенгаши ташаббуси билан “Гулистон Мед техника” хусусий корхонасига “Тадбиркорлик – фаровон турмуш асоси” мавзусида ёшлар учун саёҳат уюштирилди.

– O'zLiDeP партиявий лойиҳалар, семинарлар, мастер-класслар, давра суҳбатлари, саёҳатлар ва бошқа турли хил тадбирларни ўтказиш орқали ишбилармонликнинг янада кенг қулоч ёйишига, аҳоли бандлигини таъминлашга муайян ҳисса қўшиб келаяпти, – дейди Гулистон шаҳар Кенгаши депутати Акмал Убайдуллаев. – Бугун қўшма корхонага саёҳатни уюштиришдан мақсадимиз ҳам ёшларни меҳнат орқали даромад топишга қизиқтиришни оширишга қаратилган.

Иштирокчилар катта мамнуният билан танишиб чиқишган

масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Гулистон Мед техника” Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасига бир маротабалик тиббий буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Йиллик қуввати 216 миллион донани ташкил қилувчи корхонада асосан 3 хил – инфузион системалар, шприц ва пешоб қолчалари ишлаб чиқарилади.

Лойиҳа қиймати 7,3 миллион долларни ташкил қиладиган корхонада 167 нафар ишчи-ҳодим бандлиги таъминланган. Корхонанинг йиллик экспорт ҳажми 3 миллион долларни ташкил қилиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар асо-

сан Қозоғистонга экспорт қилинапти.

Айни пайтда корхонада ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ва ишчилар сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу йилнинг охирига қадар қўшма корхонага қиймати 5 миллион долларлик асбоб-ускуналар олиб келиниши режалаштирилган.

2020 йилнинг учинчи чорагига бориб янги ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилиши ҳисобига тиббий буюмлар ишлаб чиқариш ҳажми 450 миллион донга етказилади.

Тадбир сўнггида йигит-қизлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб олдилар.

Лола КЕНЖАЕВА,
O'zLiDeP Гулистон шаҳар
Кенгаши
аппарати раҳбари

Депутатлик гуруҳларида

Вобкенту Когондаги эшитувлар

натijasида Бухоро вилоятида ўз бизнесини бошлаш арафасида турган аёлларга алоҳида эътибор қаратилаётгани ойдинлашди

А. Ражабов давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарориди белгиланган вазифалар ижросини тизимли равишда ташкил қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида ахборот берди.

Шаҳардаги тижорат банклари томонидан 2018 йил давомида 54 та тадбиркорлик субъектига жами 13,8 млрд. сўм, жумладан, 2 та тадбиркорга халқаро молия ташкилоти ҳисобидан 404 минг доллар миқдоридидаги кредит ажратилганлиги маълум қилинди. Шунингдек, бугунги кунда ишсиз аҳолидан 128 нафарининг бандлигини таъминлаш

мақсадида 1 млрд. 212,9 млн. сўм имтиёзли кредит берилган. Бу борада, айниқса, ўз бизнесини бошлаш арафасида турган аёлларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Имтиёзли кредитларнинг 51 таси ёки 39,2 фоизи айнан тадбиркор аёлларга тақдим этилгани фикримиз далилидир.

Эътиборлиси, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жами 7 млрд. 23 млн. сўмлик 305 та кредит ажратилган бўлиб, уларни ўзлаштириш кўрсаткичи ҳозирда 58,5 фоизни ташкил этаётир. Хусусан, насли чорва моллари парвариши, кўчилик, кўнчилик, балиқчилик, паррандачилик, асаларчилик, тикувчилик ва хунармандчилик билан шугул-

ланиш, иссиқхона қуриш учун ажратилган кредитлар шулар жумласидандир.

Халқ депутатлари Когон тумани Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилиши “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури доирасида кейинги пайтда амалга оширилган ишлар муҳокамасига бағишланди. Кун тартибидидаги масала юзасидан туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, иқтисодий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари З.Шариповнинг ҳисоботи эшитилди.

Савол-жавоб тарзидаги мунозараларда халқ депутатлари тумани Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари О.Ачилдиева, де-

путатлик гуруҳи аъзоларидан А.Равшанов, О. Азимов ва бошқалар сўзга чиқиб, Давлат дастури асосида худудда бажарилаётган ишлар янада авж олдирилиши, жумладан, иш билан таъминланмаган ёшлар яшайдиган хонадонлар учун 20 тагача парранда ва қўён, 5 та майда ва 2 та йирик шохли қорамол соғитиб олиш зарурлигини тилга олиб ўтдилар. Ёш тадбиркорларга имтиёзли шартларда бино ва офис техникаси ҳамда бошқа жиҳозларни ижарага беришда ёрдам кўрсатиш даркорлиги ҳам йиғилишда бир неча бор айтиб ўтилди.

Асхор ИСТАМОВ,
“XXI asr” муҳбири

Халқ депутатлари Вобкент тумани Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида иқтисодий ва худудни комплекс ривожлантириш бўлими бошлиғи А.Сафаровнинг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аҳолининг эҳтиёжини тўлиқ қондириш, жумладан, макбул нархлар бўйича кенг турдаги озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи тингланди.

Халқ депутатлари Когон шаҳар Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи йиғилишида эса ҳокимнинг иқтисодий ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари

Муҳокама

Депутат минбари

Маълумки, жорий йил ниҳоясида муҳим сиёсий жараён – парламент куйи палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар бўлиб ўтиши кутилмоқда. Табиийки, унда муносиб қатнашиш жиддий тайёргарлик ва масъулиятни талаб қилади. Шу нуқтаи назардан О'зЛиДеР Сурхондарё вилоят Кенгаши ҳамда Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳининг қўшма мажлисида партияимиз дастурига киритилаётган қўшимча ва ўзгартишлар, шунингдек, сайловолди дастури лойиҳалари муҳокама қилинди.

асосларини яратиш ҳамда 14 та худудда Тадбиркорлик академияларини ташкил этиш масаласи ҳам киритилган. Таъкидлаш жоизки, бу ўзгаришларнинг барчаси партиянинг маҳаллий кенгашларида муҳокама этилмоқда. Мажлисда О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши вакили Сардор Маликов ва парламент Қонунчилик палатаси депутати Ҳамдам Расулов иштирок этиб, йиғилишда сўз олган депутатлар кўтарган муаммоли масалалар, таклифлар юзасидан ўз фикрларини билдиришди. – Бугунги кунда фермерларимизнинг фаолиятига маҳаллий ҳокимият органларининг аралашуви натижасида улар эркин ҳаракат қила оlishмапти, – дейди "Оқсалиш" умуммиллий ҳаракати Сурхондарё вилоят бўлини маси раҳбар

Аграр ислохотларнинг яна бир ҳуқуқий асоси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига кўра, ер ва сув халқнинг энг асосий ва бебаҳо бойлиги ҳисобланади. Мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини таъминлашда, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондиришда қишлоқ хўжалигининг бундан кейинги тараққиёти, тупроқдан унумли ва оқилона фойдаланишга ҳар томонлама боғлиқ.

мон ерларини фойдаланишга киритиш ҳисобига республика бўйича жами 1 миллион 112 минг гектарга яқин ер майдонлар қайта тикланиб фойдаланишга киритилади.

Маълумки, бугунги кунда нафақат бир мамлакатда балки, ер юзиде аҳолини сифатли ва экологик соф қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Бунинг учун эса, энг аввало, ердан унумли фойдаланиш, суғориш иншоотларини янгилаш, мева-сабзавот етиштиришни янада кўпайтириш, уни сифатли тарзда аҳолига етказиш ва экспорт қилиш каби жиҳатларга жиддий эътибор қаратиш лозим. Энг муҳими, ушбу ҳужжатда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши юртимизда қайта ишлаш корхоналарини ҳомаёти ресурслари билан мунтазам таъминлаш, ички истеъмол бозорини йил давомида сабзавотлар, картошка, мева ҳамда полиз маҳсулотлари билан барқарор тўлдириб бориш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва ташиш соҳасида хизмат кўрсатаётган фермерлар, қишлоқ хўжалиги корхоналари, маркетинг ҳамда бошқа инфратузилма ташкилотларини рағбатлантириш баробарида, экспорт бўйича ҳомаёти мавжуд имкониятларини янада юксалтирилади.

Таклифлар расмиятчилик учун билдирилмайди

– Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Сенатининг йиғирманчи ялпи мажлисидаги нутқида айнан бизнинг фаолиятимизга тааллуқли қатор масалаларни тилга олди. – дейди О'зЛиДеР Сурхондарё вилоят Кенгаши раиси Алишер Рўзиев. – Хусусан, сиёсий партиялар сафига билимли, ташаббускор ва ташкилотчи аёлларни жалб этиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга етарлича эътибор берилмаётгани танқид қилинди. Партияимиз мисолида қарайдиган бўлса, "Аёллар қаноти"нинг бу борадаги ишларини талаб даражасида деб бўлмайди. Қолаверса, тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш учун қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларни аҳолига етказиш, кичик бизнес вакилларига тушунтириш ишлари суст олиб борилди. Бу йил эса партиянинг туман кенгашлари, "Ешлар қаноти" ҳамда бошланғич партия ташкилотлари ҳам бу борада жонбозлик кўрсатиши, фаоллашиши лозим.

ри, депутат Алишер Норқобилов. – Уларга қандай экин экиш, агротехник тадбирларни олиб бориш борасида эркинлик бериш керак. Фермер ўзига ажратилган ер майдонининг иссиқ-сувуйни бошқалардан яхшироқ билади. Экин-тикиннинг ҳам тилини яхшироқ тушунади. Демакки, ўз қондалари, тажрибаларига асосан иш юритсагини ҳосили ҳам мўл бўлади. Бу биринчи таклифим. Иккинчиси, бугун юрағида ўти бор ёшларимиз кўп. Улар бугунги сиёсий жараёнларга нисбатан ўз фикрларини баён эта олади. Фақат уларни эшитиш зарур. Бунинг учун эса ёшларга эркин сўз айта оладиган майдон яратишимиз керак, деб ҳисоблайман.

– Сўз олганлар орасида О'зЛиДеР Денов туман Кенгаши Мафқуравий, тарбия-ташвиқот ишлари бўйича раис ўринбосари Олимжон Обиджоновнинг тижорат банкларидан ташқари тадбиркорларга кредитлар ажратишда кўмак берадиган инвестицион фондлар ташкил этиш, "Ташаббус" кўрик-танловида асосан, маҳсулотларнинг сифат брендида эътибор қаратиш ва партия тадбиркорларга фақат бошланғич кўмакни бериш билангина чекланмай, унинг кейинги фаолиятида учраётган тўсиқларни бартараф этишга ҳам эътибор қаратиш каби таклифлар кўпчилигининг эътиборини тортиди.

Йиғилишда депутатлик сўровларига жавоб бермаган мансабдор шахсларга қонуний чора қўрилиши лозимлиги, бунинг учун эса қонунларга тегишли ўзгариш киритилиши зарурлиги ҳам айтилди.

Бундан ташқари, депутатлар, партия фаоллари томонидан ҳам қатор таклифлар билдирилди.

Йиғилиш ниҳоясида О'зЛиДеР сафига янги қабул қилинганларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

О'зЛиДеР Сурхондарё вилоят Кенгаши матбуот хизмати

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 17 июндаги "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисидаги" фармони ҳам айни йўналишдаги изчил ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Мазкур ҳужжатда қишлоқ хўжалиги ерларидан ноқилона фойдаланиш оқибатида тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигининг пасайиши, қишлоқ хўжалигида ўр-тача йиллик сув сарфининг ўта юқорилиги, ирригация ва мелиорация тадбирлари учун тўғридан-тўғри инвестицияларни, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида жалб қилиш масаласига эътибор қаратилмаётгани, худудларнинг ресурс ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан ноқилона фойдаланиш каби ҳолатларнинг сабаблари ва салбий таъсири атрофлича таҳлил қилиб берилган.

Уларни бартараф этиш бўйича 5 та асосий йўналишни амалга ошириш орқали қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш, сув ва гидроиншоотлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилигини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва со-сти, логистика ва маркетинг тизимларини ривожлантириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишда илм-фан ҳамда амалиёт интеграциясини жадаллаштириш назарда тутилмоқда.

Фармонда қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича йўл харитаси белгилаб берилди. Концепцияни амалга ошириш доирасида ирригация-мелиорация тармоқларини тиклаш, реконструкция қилиш, сув тежайдиган технологияларни жорий этиш ҳамда сувсизликка чидамли экинларни экиш орқали фойдаланишга киритиш учун инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик асосида 50 йилгача бўлган муддатда қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган суғориладиган ерлар, шунингдек, лалми ва ўрмон фонди ерлари – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари, яйлов, бўз, кўп йиллик дарахтзорлар ва бошқа ерлар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, қишлоқ хўжалиги корхоналари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси

резиденти бўлган инвесторларга берилиши белгиланган.

Шунингдек, Концепцияни амалга ошириш доирасида ер майдонларини фойдаланишга киритишда, ердан фойдаланувчиларга қишлоқ хўжалиги экинларини мустақил жойлаштириш, ерга ишлов бермасдан экин экиш ва ерларни иккиламчи ижарага бериш ҳуқуқи берилмоқда. Ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишига ердан фойдаланувчи розилиги асосида сарф этилган маблағларнинг бозор қиймати ва олиб қўйиш сабабли етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганидан сўнггина рухсат этилади. Ушбу ер майдонларида барпо этиладиган инфратузилма объектларини (дала шийпон, маҳсулотлар сақланадиган омборхоналар, суғориш иншоотлари ва бошқалар) жойлаштиришга рухсат берилади.

Фармонда қайд этилганидек, Инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган ҳолларда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар бир гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни фойдаланишга киритиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизи, лекин базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баробаридан ошмаган қисми қоплаб берилади.

Қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадларда фойдаланиш учун олиб қўйилмаган суғориладиган ерлар учун компенсация тўлови, олиб қўйилмаган ер майдонлари жойлашган жойларни ҳисобга олувчи коэффицентлар қўлланилмаган ҳолда, худди шундай янги ерларни ўзлаштириш учун талаб этиладиган маблағнинг 10 баробари, лалми ерлар ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар эгаллаган ерлар, пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш билан боғлиқ харажатларнинг 20 баробари миқдориде ҳисобланади.

Ҳужжат билан 2020-2030 йилларда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг прогностик кўрсаткичлари тасдиқланиб, қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган суғориладиган ерларни босқичма-босқич фойдаланишга киритиш, ер ости суви ва бошқа сув манбаларидан фойдаланиш, лалми, яйлов ва бошқа ерларга сув талаб қилмайдиган экин турларини жойлаштириш ҳамда ўр-

Қўшилган қиймат солиғи бензин нархининг ошишига таъсир этадими?

2019 йил 1 августдан бошлаб ягона ер солиғи тўловчиси ҳисобланган қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилари имтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтади. Шунингдек, календарь йили давомида хизматларни реализация қилишдан олган тушуми 100 миллион сўмдан ошган, бироқ бир миллиард сўмдан кўп бўлмаган телекоммуникациялар операторлари ва (ёки) провайдерларига воситачилик хизматларини кўрсатувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар хизмат ҳақи суммасидан 25 фоиз ставкада ягона солиқ тўловини тўлашга ўтади.

Бу ҳақда О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида Президентимизнинг "Солиқ ва боғжона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисидаги" фармонининг мазмун-моҳиятига бағишланган давра суҳбатиде маълум қилинди.

Партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва торморқа ер эгалари кенгаши ҳамда Ўзбекистон тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган

тадбирда мазкур фармон билан юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида яратилаётган кенг имкониятлар, эриш-лаётган натижалар атрофлича таҳлил қилинди.

– 2019 йил 1 октябрдан бошлаб, бензин, дизель ёқилғиси ва газни ёқилғи қуйиш станциялари орқали охириги истеъмолчиларига сотадиган юридик шахслар, ушбу товарларни сотишдан тушумнинг миқдоридан қатъи назар, қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланади, – деди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Комилжон Эрнazarov. – Шу билан бирга, товарларни импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари, товарларни (ишлар, хизматлар) сотишдан тушум миқдоридан қатъи назар, қўшилган қиймат солиғи тўловчилари саналади.

Жорий йилнинг 1 октябрдан бошлаб ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан белгиланган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар бекор қилинади. Эндилеқда тадбиркорлик субъектларига нисбатан асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар етказиб бериш бўйича импорт шартномалари юзасидан муддати ўтган дебитор қарздорлик учун молиявий жазо қўлланилмайди. Шу каби буюмларни етказиб бериш муддати уларнинг техник хусусиятлари ва ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда 180 кундан ортиқ бўлса ана шундай имкониятга эга бўлади.

Давра суҳбатиде "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури, 2018-2020 йиллардаги солиқ ислохоти концепцияси, солиқ маъмуричилигини такомиллаштириш – солиқ сисъатининг энг муҳим устувор йўна-

лиши сифатида Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгилаб берилган асосий масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

– Айни пайтда иқтисодиётнинг айрим секторларида тадбиркорлик субъектларига сезиларли миқдорда имтиёз ва преференциялар берилгани қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлашнинг амалдаги тартибдаги мавжуд бўлган номунасоибликлар барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг шартитларни таъминлашда қўшилган қиймат солиғининг тўлақонли занжирини яратиш ва иқтисодиётнинг рақобатбардорлигини ошириш имкониятини бермаёпти, – деди Молия вазирлиги бошқарма бошлиғи Эркин Гадовев. – Шу боис жорий йилдан бошлаб амалга оширилаётган янги солиқ концепциясининг энг асосий ғояси солиқ юқини камайтириш, содда ва барқарор солиқ тизимини қўллашнинг кўзда тулади. Чунки шу орқали иқтисодиётимиз рақобатбардорлигини ошириш, тадбиркор ва инвесторлар учун ҳар томонлама қулай муҳит яратишга эришиш мумкин.

Солиқ тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиётда хуфёна айланмани қисқартириш ва Ўзбекистон Республикаси солиқ сисъатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишларини ҳаётта татбиқ этиш бугунги кундаги долзарб вазифадир. Шу ўринда, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегиясини амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган Йўл харитасининг тadbик этилиши, хўжалик юритувчи субъектларни давлат солиқ хизмати органларида қўшилган қиймат солиғи тўловчилари сифатида ҳисобга олиш тартиби ва



тадбиркорлик субъектларига солиқ солишининг соддалаштирилган тартибини ҳисоблаш ва тўлашнинг амалдаги тартибига оид номунасоибликларга барҳам бериш, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг шартитларни таъминлашда қўшилган қиймат солиғининг тўлақонли занжирини яратишга хизмат қилади.

Тадбирда иштирок этган оммавий ахборот воситаси вакиллари ўзларини қизиқтирган саволлар билан соҳа мутахассисларига мурожаат этишди. Журналистлар ва иштирокчиларни қи-

зиқтирган энг долзарб савол бу – "Қўшилган қиймат солиғининг киритилиши бензин нархининг ошишига таъсир этадими?" деган савол бўлди.

Соҳа мутахассислари саволга жавоб берар экан, бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг ёқилғи нархи давлат томонидан тартибга солинадиган маҳсулотлар тартибига киришини, бу давлат томонидан АИ 80 маркали бензин учун 4 000 сўм миқдориде, АИ 90 маркали бензин учун 4 500 сўм миқдориде белгиланган ва шу миқдорда сақланиб қолишини маълум қилишди. Шунингдек, мазкур норманинг киритилиши айнан мазкур маҳсулотларни автомобиль ёқилғиларини қўйиш шохобчалари сотаётган корхоналар учун кўпроқ фойдали эканини таъкидлашди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА, "XXI asr" мухбири
Суратларни Солиқон ЗОИРОВ олган.



Жаҳон бозорида рақобат осон кечмайди

■ Дунё бозорига чиқишда халқаро тан олинган сертификатнинг ўрни катта эканини кўпчилик ҳам билавермайди. Бунда асосий масала мамлакатда халқаро тан олинган стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимининг борлигидир.

Умуман олганда, маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобат қилишида бу сертификатнинг аҳамияти айнан қайси жиҳатларда яққол кўзга ташланади? "Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ сертификатлаштиришнинг мақсад ва вазифаларидан бири – маҳсулотларнинг халқаро бозорда рақобатдошлигини таъминлашдан иборатдир.

Мамлакатимизда бу борада кўпгина ишлар амалга оширилди, айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 17 октябрдаги "Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самардорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори айти йўналишдаги саъй-ҳаракатларга жиддий туртки берди.

Бугунги кундаги экспорт географияси таҳлили шуни кўрсатяптики, маҳсулотларнинг каттагина қисми МДҲ ва бошқа кўшни давлатлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Лекин бизнинг серкўёш ўлкамизда етиштирилган маҳсулотлар Европа ҳамда бошқа ривожланган давлатлар вакилларига манзур келатганини алоҳида таъкидлашни истардик. Асосийси, уларнинг ҳамжамияти ишончига эришишида халқаро тан олинган сертификатлаштириш тизимини жорий қилишимиз зарур. Шундагина жаҳоннинг йирик бозорларида маҳсулот таннархи бунданда юқориорққа кўтарилиши ва жиддий рақобатга бардош беришимиз мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда "Global GAP", "Hala" ва "Organic" стандартлари бўйича тизим ташкил қилиш юзасидан фақатгина қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий меъёрларнинг белгилаши етарли эмас, ушбу стандартлар талабини



корхоналарда жорий қилиш, уларнинг кўникмаларини ошириш лозим.

Шу билан бирга халқаро амалиётда корхоналарда сифат тизими сертификатлангани ҳам катта аҳамиятга эга. Президентимизнинг "Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан 2019 йилда Самарқанд вилоятида 321 та корхонада сифат тизимлари



XALQARO DARAJADA SINASH VA SERTIFIKATLASHTIRISH

Samarqand sinov va sertifikatlashtirish markazi

XALQARO DARAJADA SINASH

Mashinasozlik laboratoriyasi



Oziq-ovqat laboratoriyasi

Avtotransport vositalari

Yangi uzilgan, muzlatilgan, konservalangan va quritilgan qishloq xo'jaligi mahsulotlari

2017 yilda xalqaro akkreditatsiyadan o'tgan



2018 yil yakunida xalqaro akkreditatsiyadan o'tgan



XALQARO DARAJADA SERTIFIKATLASHTIRISH

Mahsulotlarni sertifikatlashtirish idorasi



Yangi uzilgan, muzlatilgan, konservalangan va quritilgan qishloq xo'jaligi mahsulotlari hamda avtotransport vositalari

2019 yil 28 mayda xalqaro akkreditatsiyadan o'tdi



ENDILIKDA NAFAQAT AVTOTRANSPORT VOSITALARI, QISHLOQ XO'JALIGI MAHSULOTLARI SINOV NATIJALARI XALQARO DARAJADA TAN OLINADI, BALKI USHBU MAHSULOTLARNI XALQARO DARAJADA SERTIFIKATLASHTIRISH IMKONI YARATILDI

жорий этиш белгиланган бўлиб, ўтган 6 ой давомида вилоятдаги 109 та корхоналарда сифат тизими сертификатлаштирилди. Булардан ISO 9001 "Сифат менежмент тизими" стандарти бўйича 98 та, ISO 22000 "Озиқ-овқат хавфсизлиги менежменти" стандарти бўйича 10 та, ISO 50001 "Энергия менежмент тизими" бўйича 1 та корхоналар шулар жумласидандир. Қолган корхоналарда тизимни халқаро талабларга мослаштириш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

Хорижлик ҳамкорлар тизим сертификатидан ташқари маҳсулот сертификати мавжудлигини ҳам сўраши мумкин. Шу мақсадда Самарқанд синов ва сертификатлаштириш маркази Халқаро аккредитлаш форуми (IAF) нинг тўлақонли аъзоси ҳисобланган Қозоғистон Республикаси Миллий аккредитация маркази билан ҳамкорликда марказ қошидаги

Маҳсулотларни сертификатлаштириш идорасини халқаро даражада аккредитациядан ўтказди.

Ўтган йиллар давомида марказ қошидаги машинасозлик ва озиқ-овқат лабораторияси айти типдаги аккредитациядан ўтказилган эди. Эндиликда янги узилган, музлатилган, консервалangan ва қуритилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда автотранспорт воситаларига синов натижалари билан биргаликда мувофиқлик сертификатларини халқаро даражада тан олиш имкони яратилди.

Бу маҳсулот экспорт қилувчиларга кенг имкониятлар ва қулайликлар яратади ҳамда уларнинг маҳсулотларига бўлган халқаро ишонч юксалишига сабаб бўлади.

Сирожиiddин АДИЛОВ,
"Самарқанд синов ва сертификатлаштириш маркази" давлат корхонаси мутахассиси

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ҳуқуқида

Олис овулларда обод масканлар!

Президентимиз 2018 йил 19 декабрда имзолаган "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг жойлардаги ижроси юзасидан Қорақалпоғистон Республикасида ҳам салмоқли саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Чунинчи, мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги "Инфратузилмани ривожлантириш бўйича" инжиниринг компанияси Қорақалпоғистон Республикаси филиали буюртмасига кўра, жорий йилда 18 та мактабгача таълим муассасасида бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Хўжайли тумани Маданият овули болажонлари шу кунгача мослаштирилган 8-мактабгача таълим муассасасида таълим-тарбия олишар эди. Мазкур 70 ўринли маскан биноси 1965 йилда қурилган бўлиб, анчайин эскириб кетган. Эндиликда замонавий лойиҳа асосида айти шу жойда янги, кенг ва кўркам, икки қаватли, 125 ўринли иншоот қад кўтаряпти. Бино қурилишида эса тажрибали курувчи Маҳмуд Пирманов раҳбарлигидаги "Нурбиби Жаннат" масъулияти чекланган жамияти жамоасининг тиним билмаётгани таҳсинга сазовор.

Бу ерда ёшга оид гуруҳлар учун хоналар, ошхона, ўйин майдончаси ва алоҳида айвончалар бунёд этилмоқда, – дейди Маҳмуд Пирманов. – Маълумки, минтақамизда шўрҳок ерлар кўп. Шу сабаб қурилиш монтаж ишларида шўрланишга қарши



Суратда: (ўнгдан чапга) компания муҳандиси Фарағат Қутлимуратов, "Нурбиби жаннат" МЧЖ директори Маҳмуд Пирманов ва қурилиш техник назоратчиси Руслан Нурунбетов.

техник ишлов беришга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Бундан ташқари, олис ҳудудлардан бири Мўйноқ тумани Қозқодарё овулида ҳам 3,4 миллиард сўмлик лойиҳа эвазига 125 ўринли 9-мактабгача таълим муассасаси барпо этиляпти. Шунингдек, Эллиққалъа туманидаги 18-МТМ ҳам реконструкция қилиниб, ҳозирда пардозлаш ишлари якунига етай деб қолди. Ушбу вазифани "Тезкор маҳсул қурилиш" хусусий корхонаси-

нинг 40 нафар курувчиси адо этмоқда.

Фақат шуларгина эмас. "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси буюртмаси асосида Қонлиқул туманидаги 1-мактабгача таълим муассасаси реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилиш арафасида. Бинонинг замонавийлик касб этишида "Нокс курьельс экспертиза" хусусий корхонаси бинокорлари яхшигина тер тўқишди. Айти туманда-

ги 18-умумтаълим мактаби ҳам 3,2 миллиард сўмлик лойиҳа доирасида мукамал таъмирдан чиқяпти. Бу ерда Бахтиёр Сметов бошлиқ "Мелбек Нукус" масъулияти чекланган жамияти курувчилари ишларини деярли ниҳоясига етказди, ҳозирда бинонинг фасад қисми бўёқдан чиқди. Эндиликда эса ҳудуд кенг миқёсда ободонлаштириляпти.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
"XXI asr" муҳбири

Хизматлар лицензияланган.


РЕКЛАМА

Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган

"Sam Osiyo mebel"

хусусий корхонаси

корхонада ишлаб чиқарилаётган турли кўринишдаги мебель маҳсулотларини мижозларга таклиф қилади.



Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Шоҳмурод кўчаси 1-уй.
Мурожаат учун телефон: (66) 235-00-25; (91) 528-00-25.



ОНА ТИЛИМ

Маним офтобларим, маним ойларим,
Тошбитигим – Ўрхун-Энасойларим.
Фақат юрагимга аён ўроним,
Она тилим – жоним Ўзбекистоним.
Бу жаҳон ичинда бир жаҳон тилим,
Отажон тилимдир, онажон тилим.
Олис-олислардан келган дардларим,
Маҳмуд Қошғарийдан мерос хатларим.
Олам аро менинг шажарам, кўрким,
Илдизим – “Девони луғотит турк”им.

Рухим эшигини келгайдир очиб,
Ўн аср наридан Юсуф Хос Хожиб.
Сўзлар ганжи бирлан тўқдир илгим,
“Қутадғу билиг”дир қутлуғ билигим.
Не учун толиблар бўлмасин закий,
Ўзи тил ўргатса Аҳмад Юғнакий.
Ҳақнинг туҳфасига томм лойиқдир ул,
Англасанг, “Ҳибат ул ҳақойиқ”дир ул.
Пайғамбар ҳадиси – неъматларга боқ,
Ундан баҳра олган ҳикматларга боқ.
Ким Аҳмад Яссавий сўзини билмиш,
Ҳақни, Расулини, ўзини билмиш.

Бизларга Тангрининг атои – тилим,
Мавлоно Лутфийю Атои тилим.
Битгайдир ичмни тўлдирган ҳасрат,
Таважжуҳ қилсалар Навоий ҳазрат.
Бори тиллар ичра рутбам тайиндир,
Бу “Муҳокамат ул луғотайин”дир.
Қўлимдан кўймайман “Бобурнома”ни,
Ватанга муҳаббат – тақдир номани.
Юрагимга юққан дард-оҳи билан,
Ҳаётим нурлидир Огаҳий билан.
Ошиқ дил мақсуду матлаби ундан,
Таржима санъатин мактаби ундан.
Ватан, тил мангудир, киши бор – ўтар,
Қай дилда шу сўз бор – у Аваз Ўтар.
Восита, робита, оламиён – тил.
Бани одамга жон, фоида кон – тил.

Дарахтдан узилган яшил барглари,
Оҳ, жувонмардларим – жувонмардларим.
Ҳаётим тўлаган ўлпонларимдир –
Фитрату Қодирий, Чўлпонларимдир.
Миллатнинг, Ватаннинг жони тил билан,
Шўхрати, шавқати, шони тил билан.
Ҳаёт йўли бизга оина – ибрат,
Бехўдудий, Сидқию Исҳоқхон Ибрат.
Билдим, иймон учун зўр кўрган – тилим,
Йўлим ҳам, дилим ҳам чарагон тилим.


Тилга хиёнатни кечирмайди дил,
Элга хиёнатни кечирмайди эл.
Тилга садоқат бу – элга садоқат.
Элга садоқат бу – тилга садоқат.
Маним Машҳарагача равон йўлим бу,
Олам айвонида мангу тилим бу.
Юрагим тараннум этган баётман,
Туркий тилим бордир, мён барҳаётман.

Ғайрат МАЖИД

Ўрон – ўз кишиларини таниш учун учрашганда айтиладиган ва олдиндан белгилаб қўйиладиган шартли махфий сўз.



- Совутиш камераларини ўрнатиш ва ишга тушириш
- Совутиш камералари жиҳозлари, ускуналарини етказиб бериш ва сотиш
- Сэндвич-панелларни етказиб бериш ва сотиш
- Сэндвич-панел ва метал қурилмалардан бинолар қуриш



Тўлов исталган
усулда

Маҳсулот сертификатланган.

Самарқанд шаҳри. Гагарин кўчаси 97 уй

(+998 98) 130-35-53 (+998 90) 502-35-53 (+998 90) 502-47-81

Қурбонлик

Бўлган воқеа

Ҳайдовчим кўлимга уй калити ва ҳужжатларини тутқазганида донг қотиб қолдим.

– Намунча тез, уч кунда-я?

– Савобли иш тез бажарилса, савобиям катта бўлади-да, – дея ҳазиллашиб чиқиб кетди у. Калитни кафтимга босганча уч кун аввал нонушта маҳалида онам билан бўлган суҳбатни эсладим...

Ишдан кеч қайтишим сабабли онам билан асосан эрталаб чой ичаётим суҳбатлашамиз. Бугун ҳам шундай бўлди. Оназорим аҳволимни, ишларимни сўради. Аёлим узатган чойдан бир хўпладим-да, ишларим яхшилигини, Қурбон ҳайити яқинлашаётгани учун қурбонлик қилиб, эҳсонликка тарқатишимни айтдим.

– Шу эҳсонни қийматини бир бева бечорага берсанг-чи, камини тузатиб олармиди? – деди онам ўланиб туриб. Хотиним ҳам бу фикрни тасдиқлади.

– Қўйсангиз-чи она, ахир анчадан буён шу ниятда тайёргарлик қўриб юрибман, – дедим эътирозимни яширмай.

– Ўғлим ўзинг биласан, ҳар ким дунёни ўз қаричи билан ўлчайди, – деди волидам босиқлик билан. – Айтганча, ишга кетишингда маҳалла-миз бошидаги этиқдўзга шиппагимни бериб кет, ямаб берсин.

– Онажон, байрамга янгисидан олиб бераман, – дедим қулиб.

Аммо у киши айнан шу матоҳни кийгим келяпти, деб туриб олса бўладими. Ноилож рози бўлдим ва йўлга отландим. Этиқдўзнинг эшигини тақиллатдим. Ҳовли ичкарасидан келаверинг деган овоз эшитилди. Кирдим. Айвонда катта ёшли ота ўғли билан пойабзал ямаб ўтирар эди. Салом бериб шиппакинни узатдим.

– Ҳожи онамиз бериб юбордиларми, сиз ўғилларимисиз? – кў-

лимдан буюмни олаётим саволга тутди.

– Ҳа, танийсизми?

– Онангиз сиз ҳақингизда жуда илиқ гапларни гапирди, сиздан рози, тинмай дуо қилади.

– Қаранг, шу кийиб бўлмас эски шиппак ўрнига янгисини олиб берай десам сира кўнмадилар...

Этиқдўз мийиғида қулиб оёқ кийим орасига қистирилган бир сиқим пулни олди.

“Пулларини унутиб қолдирибдилар шекилли” деб ўйладим. Ахир бу пулга, тахминимча, бемалол иккита янги оёқ кийим сотиб олса бўларди. Хаёлим охирига етмай уста шиппакнинг чангини арта изоҳ берди:

– Онангиз ҳар ой келиб, худди шу буюминини ямаиб, хизматимизга шунча ҳақ тўлаб кетади...

Нима дейишимни билмай тургандим, ичкаридан йўтал овози эшитилди. Этиқдўз ўғлига имо-ишора қилди. Болакай пиёлага чой қуйиб ичкарига кириб кетди.

– Аёлим – деди эшикка қараб. – Ўн икки йилдан буён бемор. Автохалокатга учраб фалаж бўлиб қолди. Бор будимиз, уйимизни ҳам сотиб, уни яшаб қолиши учун ишлатганмиз. Бир ёшли ўғлим ва бемор аёлимни ёлғиз қолдирмаслик учун ишдан бўшаб, уларнинг ёнларида шу иш билан шуғулланаяман. Шукр, бу юмушдаям барака бор экан...

– Бу уй кимники? – ичимдан ўтаётган оғриқни яшириб сўрадим.

– Беш йилдан бери ижарада турамиз. Яқиндан ижарачи ўғлини уйлар экан...

Оҳ, онажоним-а, мени бу ерга бежиз юбормаган экан-да! Тўсатдан миямга келган фикрдан яшин ургандек кўзим очилди. Бу оила муаммолар гирдобидида қурбон бўламан деб ётибдию, мен эса дабдабага бери-

либ, обрўйим учун қурбонлик тарқатишни ўйлаб юрибман.

Ишхонага келдим ҳайдовчимга этиқдўзнинг паспортини олиб келиб, бўш ётган 3 хонали уйимни унга расмийлаштиришни буюрдим.

...Бу калит этиқдўзга аталган уйнинг калити эди!

Кеч бўлди. Ичимга сиғмай кетяпман, ҳозир уйга бориб онажонимга айтсам, қанчалар суюнишини ҳис қилиб кўзларим қуляпти. Этиқдўз-

– Кетдик, савобли ишни кечиктирмаган афзал.

Этиқдўз оиласи билан айвонда кечки овқатни тановул қилаётган экан. Бизни кўриб хижолатдан ўтиригизгани жой тополмай қолди. Онам болакайга конфет, аёлига дори-дармон, оила бошлиғига эса уйнинг калитини узатди.

– Уйлар муборак бўлсин!

– Аёлингизни яхши жойларда доволатиб, болакайни ўқитамиз, сизга ҳам яхши даромадли иш топиб бераман, – дедим онамнинг



ни-ку айтмаса ҳам бўлади.

Билганимдай онам сўрида чойларни совутиб қўйиб, мени кутиб ўтирган экан.

– Келдингми, болам, – дея ёнидан жой берди.

– Қўрпачани четига ўтириб, уйнинг калитини онамга тутқаздим у бошимни тиззаларига қўйдим.

– Бу нима?

– Қурбонлик...

Бор воқеани эшитиб онам чунонам суюндики, эвазига бағриларига олиб пешонамдан ўпди. Сўнг дарҳол уйга кириб, майда-чуйда олиб чиқди-да, секин бош ирғади:

шижоати менга кўчиб.

Шу пайт ҳовлига ҳайдовчим катта бир кўчорни етаклаб кириб келди. Уни ҳовли ўртасидаги олма дарахтига боғлади: “Бу қурбонлик учун”.

Ишим борасида кўп бор хурсандчилик туйганман. Аммо ночорга қилинган яхшилиқнинг тафти, роҳати ҳеч бир яхшилиқдан туядиган ҳузурга ўхшамаслигини ҳис қилдим. Осмонларда учиб юрардим гўё. Этиқдўзнинг дарвозасидан чиқиб, онажонимни кўтариб олдим. Борингизга шукр онажон!

Асад СОЛИЕВ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси O'zLiDeP Бекобод шаҳар Кенгаши раиси, Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати Рашид Пирматовга отаси
Хусан отанинг
вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси O'zLiDeP Тошкент вилоят Кенгаши партиянинг истиқболдаги кадрлари билан ишлаш гуруҳи етакчи консультанти Наргис Мирзаевага отаси
Ўктам отанинг
вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



MUASSIS:
TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR
HARAKATI –
O'ZBEKISTON
LIBERAL-
DEMOKRATIK
PARTIYASI

XXI
IQTIMOY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ Аҳмад ШОДМОНОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ Тўлқун ЭШНАЗАРОВ
Алишер СУТОНОВ Виктор ПЯК
Мавлуда ХУЖАЕВА Насимжон АЛИМОВ
Сирожиiddин САЙИДИД Асламдин АЛМАРДОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73^а-уй.

Электрон почта:
xxi_asr@mail.uz

Телефонлар:
қабулхона – 71 215-63-80
(тел./факс).

Котибхона – 71 281-40-17
Обуна ва реклама
бўлими –

71 215-60-45, 71 255-68-50

“XXI asr” iqtisodiy-siyosiy gazetasini Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда
0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми – 4 босма табоқ.

Буюртма рақами: Г – 758 Тиражи: 4857
Баҳоси келишилган нархда.
ЎЗА якуни – 22:45

Топширилди – 01:40

Таҳририятга келган қўлзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнёр

Маярфужон Раҳмонов
томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

12 456

Набатчи муҳаррирлар:
Нурон ЭМИРЗАЕВА, Элмас ШОЙИМҚУЛОВ.